

**“МАҲАЛЛА ВА ОИЛА” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.21/30.10.2020.Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“МАҲАЛЛА ВА ОИЛА” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**САЛИХОВА ГУЛНОЗА МАХМУДОВНА**

**ОИЛАДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ЎСМИР БОЛАЛАРНИ  
ИЖТИМОЙ ҲАЁТГА МОСЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(кар ва заиф эшитувчи болалар мисолида)**

**13.00.09 – Ижтимоий педагогика**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
on Pedagogical Sciences**

**Салихова Гулноза Махмудовна**

Оилада ногиронлиги бўлган ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш  
механизмларини такомиллаштириш (қар ва заиф эшитувчи болалар  
мисолида).....3

**Салихова Гулноза Махмудовна**

Совершенствование механизмов адаптации детей-подростков с  
инвалидностью к социальной жизни в семье (на примере глухих и  
слабослышащих  
детей).....25

**Salikhova Gulnara Makhmudovna**

Improving mechanisms of adaptation of adolescent children with disabilities  
to social life in the family (on the example of deaf and hard of hearing  
children).....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....52

**“МАҲАЛЛА ВА ОИЛА” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.21/30.10.2020.Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**“МАҲАЛЛА ВА ОИЛА” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**САЛИХОВА ГУЛНОЗА МАХМУДОВНА**

**ОИЛАДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ЎСМИР БОЛАЛАРНИ  
ИЖТИМОЙ ҲАЁТГА МОСЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(кар ва заиф эшитувчи болалар мисолида)**

**13.00.09 – Ижтимоий педагогика**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Ped3299 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.moiti.uz](http://www.moiti.uz)), “Ziyonet” ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мусурманова Айниса Мусурмановна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Исмаилова Зухра Карабаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Қодирова Феруза Усмоновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.21/30.10.2020.Ped/S.127.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 20 сентябрь соат 12<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Истиклол кўчаси, 51-уй. Тел.:(71) 203-01-21, факс: (71) 267-03-92, e-mail: [mvaoti@exat.uz](mailto:mvaoti@exat.uz), [mvaoti@gmail.com](mailto:mvaoti@gmail.com); веб-саҳифа: [www.moiti.uz](http://www.moiti.uz).

Диссертация билан “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (6 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Истиклол кўчаси, 51-уй. Тел.: (71) 203-01-11, факс: (71) 267-03-92, e-mail: [mvaoti@exat.uz](mailto:mvaoti@exat.uz), [mvaoti@gmail.com](mailto:mvaoti@gmail.com), веб-саҳифа: [www.moiti.uz](http://www.moiti.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил “7 сентябрь” да таркатилди.

(2022 йил “6 сентябрь” даги 1 рақамли реестр баённомаси.)



*[Handwritten signature in blue ink]*

**Н.М. Эгамбердиева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

*[Handwritten signature in blue ink]*

**Х.У. Абдусаматов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

*[Handwritten signature in blue ink]*

**Ш.М. Содикова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, социология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида глобаллашув жараёнида ногиронликнинг олдини олиш, турлича нуқсони бор болаларнинг интеграцион таълимини такомиллаштириш, касб-ҳунарга йўналтириш, тўлақонли ижтимоий ҳаётга тайёрлашда барча мутасадди тизимлар фаолияти самарадорлигини таъминлаш борасида муҳим ишлар қилинмоқда. БМТ томонидан қабул қилинган “Осиё ва Океания мамлакатлари ногиронларига нисбатан тадбир дастурлари”, “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция, Хитой<sup>1</sup>да ташкил этилган эҳтиёжли болалар таълимини қўллаб-қувватлаш бўйича WEB ресурс маркази, Ростов вилоятининг Шахты шаҳрида ташкил этилган “Добродея”<sup>2</sup> реабилитация марказлари ногирон болаларни ижтимоийлаштиришда муҳим ўрин эгалламоқда. Мазкур ҳужжатларга кўра, таълим муассасалари, ота-оналар ва кенг жамоатчиликни ногиронлиги бўлган болаларни реабилитация қилиш, ижтимоий-психологик ва тиббий қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва қобилиятга мос равишда касбий кўникмаларини шакллантириш билим, малака ва кўникмаларни бойитишга таъсир кўрсатмоқда.

Жаҳоннинг етакчи илмий марказларида оилада ногиронлиги бўлган ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш механизмларини такомиллаштириш йўналишларига бағишланган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ногиронлиги бўлган болаларнинг ижтимоий ҳаётга эрта уйғунлашуви, замонавий махсус таълим мазмунини янгилаш, заиф эшитувчи ўқувчилар томонидан бадий сўзнинг идрок этилиши, асар мазмунини мустақил ижодий баён этиш малакасини ривожлантириш, библиографик малака, адабий таълим жараёнида заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ривожлантириш тизими, коррекцион ёндашувни кучайтириш, китобхонлик ва адабий-ижодий фаолиятни шакллантириш мустақил ҳаётга тайёрлаш масалаларини илмий тадқиқ этиш заруратини илгари сурмоқда.

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган, етим, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватланишининг янги тизими яратилган бўлиб, уни жорий этиш бўйича шиддатли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жалб қилиниши ва фаол иштирокини таъминловчи инклюзив таълим ва ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш”<sup>3</sup> бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда имконияти чекланган болаларни оила, маҳалла ва таълим ҳамкорлигида тўлақонли ҳаётга мослаштиришнинг ижтимоий педагогик-психологик хусусиятларини Янги Ўзбекистон, Учинчи Ренессанс талаблари асосида такомиллаштириш; жисмоний ёки психик нуқсони бўлган болаларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб касб-ҳунарга ўргатиш ва уй шароитида ўзини ўзи банд қилиш бўйича билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш; уларни ижтимоий қўллаб-

<sup>1</sup> [https://www.researchgate.net/publication/287196586\\_Inclusive\\_education\\_in\\_China](https://www.researchgate.net/publication/287196586_Inclusive_education_in_China).

<sup>2</sup> <https://www.hrw.org>

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2022. – 206 б.

қувватлаш механизмларини амалиётга самарали жорий этиш; шунингдек, оила, маҳалла ҳамда ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларида қар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш механизмларини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ушбу тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги ЎРҚ-641-сон “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ҳамда 2022 йил 17 февралдаги ПФ-74-сон “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонларида, шунингдек, 2021 йил 21 декабрдаги ПҚ-57-сон “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада М.А.Аюпова, Ф.А.Алимхўжаева, Л.Р.Мўминова, З.Н.Мамаражабова, Ф.С.Турғунбоев, У.А.Файзиёва, Ф.У.Қодирова, Р.Ш.Шомахмудова, Д.Б.Якубжановалар ногиронлиги бўлган болаларнинг инклюзив таълим-тарбиясининг методик, педагогик-психологик ва ташкилий-дидактик аспектлари, мустақил фикрлашга ўргатиш, бўш вақтларида касбий малакаларини ошириш, индивидуал-коррекцион ривожлантириш ҳамда А.К.Мухсиева, Н.М.Назарова, Д.А.Назарова, Н.Х.Рахмонкулова, В.С.Рахмонова, Л.Ш.Нурмухамедова, Н.Ш.Бекмуродов, Х.Н.Гайнутдинов, Н.Ғ.Дадахўжаевалар томонидан қар ва заиф эшитувчи болаларни оила ва таълим муассасаларида мулоқот кўникмаларини ривожлантириш, коррекцион педагогик ривожлантириш, эшитиш даражаларини фарқлаш масалалари тадқиқ қилинган.

МДХ давлатларининг махсус педагог олимларидан Ф.Ф.Рау, Э.И.Леонгард, С.А.Зыков, В.И.Бельтюков, Л.В.Нейман, Р.М.Боскис, Е.П.Кузьмичева, И.Г.Багорова, Л.П.Носков, Т.В.Пельмская, Н.Д.Шматко ва бошқаларнинг илмий изланишларида қар ва заиф эшитувчи болаларнинг нутқи, талаффузи, эшитиш идрокини ривожлантириш ҳамда уларга тил ўргатишнинг услубий томонлари тадқиқ этилган.

Erik Vedenburg, Antonius van Uden (Германия), Vorren Esterbruks (Канада), Enn Dornan (Австралия) каби хорижий олимларнинг илмий изланишларида “auditory-verbal” методи, яъни эшитиш қолдиғидан оптимал фойдаланишга асосланган ўқитиш усуллари; R.Romand, Richerd Rieser, Jann Peter, Spek Otto, Isobel Leybold-Johnson, Romain Lanners, Isabella Cicalo ларнинг илмий изланишлари қарлар ва заиф эшитувчилар таълимининг махсус дидактик, тарихийлик, икки тиллик (имо-ишора тили ва она тили) хусусиятлари, нутқ ва тафаккур бирлиги асосида уларни мустақил ҳаётга, меҳнатга, оилага тайёрлашнинг ташкилий-педагогик ва психологик томонлари тадқиқ этилган.

Таҳлилларга кўра, имконияти чекланган болаларнинг таълим-тарбияси, ижтимоийлаштириш масалалари бўйича илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, қар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича бугунги кун талабларига мос даражада тадқиқот ишлари етарлича амалга оширилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот институтининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институтининг “Оилада ногиронлиги бўлган, етим ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоийлаштириш муаммоларини тадқиқ этиш” (2020-2021 й.) ҳамда “Ногирон фарзандлар учун тўлақонли ҳаёт тарзини яратиш мақсадида ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларининг билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш” (2021-2022 й.) номли лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни оилада ижтимоий ҳаётга мослаштириш механизмларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

қар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришнинг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари ҳамда оила ва таълим тизими ҳамкорлигининг эволюцион тенденцияларини аниқлаш;

қар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни оила ва таълим муҳитида ижтимоий ҳаётга мослашганлик даражаларини баҳолаш мезонларини аниқлаштириш;

қар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришнинг интегратив моделини такомиллаштириш;

қар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни оила ва таълим муҳитида ижтимоий ҳаётга мослаштиришнинг самарали механизмларини аниқлаш ва технологияларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида қар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни оила ва таълим муассасасида ижтимоий ҳаётга мослаштириш жараёни белгиланган бўлиб, тажриба-синов ишларига республиканинг қар ва заиф эшитувчилар кўп аниқланган Андижон, Тошкент, Жиззах вилоятларида мавжуд 3 та махсус мактаб-интернатларининг жами 305 нафар қар ва заиф эшитувчи ўқувчилари ҳамда уларнинг ота-оналари жалб этилди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни кар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни оила ва таълим муассасасида ижтимоий ҳаётга мослаштиришнинг мазмуни, шакл ва методлари, ижтимоий педагогик шарт-шароитлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида мавзуга оид педагогик, психологик ва методик манбалар, дидактик материаллар, ўқув режа ва дастурлар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, суҳбат ўтказиш, кузатиш, анкета сўрови, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

оилада кар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришнинг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари оилаларнинг тавсифларига асосланган прогностик-диагностик ва мақсадга йўналганлик тамойиллари ҳамда “оила-маҳалла-таълим” вертикал тизими манфаатли ҳамкорлик стратегиясининг (фуқаролар фаровонлигига эришишнинг ташаббусли, ижройи ўзаро таъсир чоралари) талабларига устуворлик бериш асосида аниқланган;

кар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларнинг ижтимоий ҳаётга мослашганлик даражаларини баҳолаш мезонларини (ўзига ва келажагига ишониш, қатъиятлилик, ногиронлик даражасига мос интилувчанлик, мотивацион, оптимистик ҳиссиёт, масъулиятли ҳамкорлик каби) оилалардаги педагогик, психологик, тиббий-гигиеник шароитларини касбий таъсир мазмунига мослаштирилган тарзда оптималлаштириш асосида такомиллаштирилган;

оилада кар ва заиф эшитувчи ўсмир болалар тўлақонли ҳаёт кечириши учун йўналтирилган касбга, шахслараро муносабатларга ўргатувчи мақсадли реабилитацион ишлар орқали комплекс таъсир этувчи (ҳаётий кўникмалар, келажакка ишонч, академик таянч компетенциялар, коррекцион, тузатувчи, юмшатувчи) блок-тузилмалар такомиллаштирилган;

кар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни оилавий муносабатлар (ишонч, маънавий кўмак, миллий кадриятларга асосланиш, мотивацион) асосида ижтимоий ҳаётга мослаштиришда маҳалла мутасаддилари ва ота-оналарда педагогик ўқув ҳамда психологик компетенцияларни ривожлантирувчи интегратив-кластерли дарс методикалардан фойдаланишнинг афзаллиги асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

кар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни оилада ижтимоий ҳаётга мослаштиришнинг мазмуни, тамойиллари, технологиялари ва индикаторлари халқаро илғор тажрибалар асосида ижтимоий-педагогик жиҳатдан очиб берилган ҳамда бола шахси ривожланишининг истиқболли натижадор кўрсаткичлари (ижтимоий-соғлом фуқаролик, ҳуқуқий, касбий, ахлоқий-маънавий, ижтимоий-психологик, ижтимоий-педагогик, тиббий-гигиеник, жисмоний, хўжалик-иқтисодий тайёргарликлар) оммабоп контекстда амалга оширилган;

оилавий муносабатлар асосида қар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришда замон талаблари асосида оила, мактаб, маҳалланинг ҳамкорлик технологияларига оид таълим-тарбиявий, тарғибот-ташвиқот, ижтимоий-ташқилий, илмий-методик материаллар базаси миллий урф-одатлар, умуминсоний қадриятлар ҳамда оиланинг комплекс вазифалари инобатга олинган ҳолда оптималлаштирилган;

оилада қар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни педагогик-психологик жиҳатдан боланинг имкониятларига мос ёндашувлар асосида қулай ва эркин мулоқотга асосланган ижтимоийлашув муҳитини яратишнинг замонавий интегратив-кластерли модели, кўргазмали касбий таълим, амалий тренинг, эркин танловли технологияларининг трансформациялари амалга оширилган;

оилада ногиронлиги бўлган ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш бўйича “Йўл харитаси”, “Меҳр дафтари”, “Меҳр дафтари”ни юритиш бўйича вақтинчалик тартиб”, ота-оналар, мактаб-интернатлар учун “Тарбиявий машғулотларни режалаштириш” дастури ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ҳамда ўрганилган муаммоннинг долзарблиги давлат сиёсати асосида ижтимоий-педагогик жиҳатдан белгилангани, тадқиқот моҳиятига мувофиқ таълим-тарбия шакл, метод, воситаларининг самарали танлангани, респондент (болалар, педагоглар, ота-оналар)лар билан ўтказилган тадқиқотларнинг адолатлилиги, объективлиги, тажриба-синов ишлари натижаларининг математик-статистик жиҳатдан ишончлилиги ва ҳаққонийлиги, илмий-назарий ғоялар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилгани ҳамда ваколатли вазирлик ва идоралар томонидан маъқуллангани билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оилада қар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришнинг замонавий механизмлари ижтимоий-педагогик жиҳатдан асослангани; мамлакатимизда ушбу муаммо бўйича янги тизимнинг илмий асосланган ҳолда амалиётга жорий этилгани; халқаро илғор тажрибалар ва тенденциялар асосида ижтимоий-педагогик таъсирнинг мазмуни, шакл, метод ва технологиялари такомиллаштирилгани; ҳаётга, келажакка ишонч руҳини таркиб топтиришда ўқитувчи-тарбиячилар, ота-оналар ва маҳалла мутасаддиларининг мақсадли ҳамкорлигини кучайтиришнинг интегратив-кластерли модели илмий асослангани ҳамда улар ўртасида самарали мулоқот муҳитини яратишнинг мажмуавий ёндашувлари назарий жиҳатдан асослаб берилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти оила ва таълим муассасалари ҳамкорлиги асосида ногиронлиги бўлган ўсмир болаларни (қар ва заиф эшитувчи) ижтимоий ҳаётга мослаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, “Меҳр дафтари”, “Йўл харитаси”да кўзда тутилган процессуал вазифалар бандларини, олий таълим муассасалари дефектология факультетида ўқитиладиган “Махсус психология”, “Махсус педагогика асослари”, “Тарбиявий ишлар методикаси” курслари мазмуни, таълимнинг интерфаол технологиялари, ҳамкорлик механизмларининг коллаборация тамойиллари асосида ривожлантириш, оилавий муносабатларда ногирон

болалар фаолият траекториясини йўналтириш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оилада ногиронлиги бўлган ўсмир болаларни (қар ва заиф эшитувчи) ижтимоий ҳаётга мослаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

оилада қар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришнинг прогностик-диагностик ва мақсадга йўналганлик тамойиллари “оила-маҳалла-таълим” асосида манфаатли ҳамкорлик стратегиясининг вертикал тизимини такомиллаштириш тадқиқотда асосланган ижтимоий компетенциялар (ўзига, келажагига ишонч, қатъиятлилик, ногиронлик даражасига мос интилувчилик, мотивацион, оптимистик ҳиссиёт, масъулиятли ҳамкорлик)ни назарда тутувчи тарбиявий машғулотлар мазмунига сингдирилган, “Ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларида тарбиявий машғулотларни ташкил этиш ва режалаштириш дастури” такомиллаштирилган (Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2022 йил 2 мартдаги 01/43-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган интегрatív модель, ҳаётга мослаштиришнинг самарали механизмлари оилада қар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш бўйича таълим-тарбия мазмунини такомиллаштириш ушбу тоифадаги ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришга хизмат қилган;

имконияти чекланган болаларни тўлақонли ҳаёт кечирishга тайёрлаш алгоритмига йўналтирилган “Ижтимоий ҳаётга тайёрлаш соати”, “Кутубхона соати”, “Амалий машғулот”, “Нутқий мулоқот” машғулотларида болаларни касбга, шахслараро муносабатларга ўргатиш (такомиллаштирувчи; ҳаётий кўникмалар, академик таянч компетенциялар; коррекцион; тузатувчи, юмшатувчи) комплекс усуллари жорий этилган. Оилавий муносабатлар (ишонч, маънавий кўмак, мотивацион) асосида болаларнинг қулай ва эркин мулоқотига асосланган ижтимоийлашув муҳитини яратишнинг замонавий интегрatív-кластерли модели, кўрғазмали касбий таълим, амалий тренинг, эркин танловли технологияларининг трансформациялари махсус мактаб педагоглари томонидан самарали қўлланган (Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг 2022 йил 2 мартдаги 01/43-сон маълумотномаси). Натижада қар ва заиф эшитувчи болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш мазмуни такомиллашган, ижтимоийлашув даражалари ошган, фуқаролар фаровонлигига эришишнинг ташаббусли, ижройий ўзаро таъсир чораларини маҳаллалар, оилалар миқёсида интенсив тарғиб этишнинг дидактик самарадорлигига эришилган;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қарамоғидаги меҳрибонлик уйлари, оилавий меҳрибонлик уйлари ҳамда махсус мактаб-интернатларида болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришга интегрatív ёндашишнинг замонавий интегрatív-кластерли модели, кўрғазмали касбий таълим, амалий тренинг, танлов технологиялари “Оилада ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш” дастуридан амалиёт давомида

фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг 2022 йил 29 апрелдаги 1/1-2807-сон маълумотномаси). Натижада фойдаланилган инновацион таълим технологиялари ногиронлиги бор ўсмир ёшдаги болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш борасидаги қизиқиш ва интилишларини оширган;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан етим, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда оилада ногиронлиги бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлардан, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 январдаги 26-сон қарори билан тасдиқланган “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ““Меҳр дафтари” тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида”ги Низом, “Сўровномалар” (10-13 бандлари)”, “Йўл харитаси” (2-бўлимининг 1–11-бандлари), “Меҳр дафтари”, “Меҳр дафтари”ни юритиш бўйича вақтинчалик тартиб” (2 ва 13-бандлари)ни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг 2022 йил 29 апрелдаги 1/1-2807-сон маълумотномаси). Натижада ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизими олдида турган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ота-оналар, ўқитувчи-тарбиячилар, Миллий гвардия мутахассис-ходимлари ҳамда ушбу тоифа болаларнинг янги тизим талаблари асосидаги ҳуқуқий, илмий-методик билим, малака ва кўникмалари такомиллаштирилган. Шунингдек, ижтимоий институтларнинг ногирон болаларни ижтимоийлаштиришдаги аниқ ва манзилли вазифаларини белгилашнинг истиқболли ориентирларининг ойдинлаштирилишига эришилган;

“оила-маҳалла-мактаб” ҳамкорлиги тамойили асосида оилада қар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришда ижтимоий, мобил-методик тадбирлар ўтказиш бўйича тавсиялар асосида “Очиқ осмон остидаги мактаб” ижтимоий лойиҳаси яратилди, у Тошкент, Андижон ва Жиззах вилоятларида ногирон болалар ва уларнинг ота-оналари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда маҳалла хотин-қизлар фаоллари ҳамкорлигида ташкил этилган (Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳузуридаги “Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 5 майдаги 01-09/989-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган мобил-методик тадбир асосида ногирон болалар ва уларнинг ота-оналари, маҳалла фуқаролар йиғинлари хотин-қизлар фаолларининг ногирон ўсмир ёшдаги болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш бўйича билим, малака ва кўникмалари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган

илмий нашрларда 9 та (8 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 158 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, эълон қилингани ҳамда ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Оилада ногиронлиги бўлган ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш механизмларини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари”** номли биринчи бобида ногиронлиги бўлган ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш тушунчасига доир концептуал ёндашувлар халқаро ва миллий тажрибалар асосида илмий-назарий таҳлил қилинган.

Шахснинг муҳитга мослашуви ижтимоий ва шахсий омилларнинг ўзаро алоқадорлигида амалга ошади. Маълум муҳитда ривожланаётган бола ўз фаолликларини англай бошлайди, яъни ўз-ўзини билиши, англаши содир бўлади. Бу жараён ижтимоий англашдир.

Ижтимоийлашув ва мослашув ўзаро чамбарчас боғлиқ жараён бўлиб, шахснинг оила, маҳалла, кенг жамоатчилик билан ўзаро муносабатларининг яқдиллигини ўзида намоён этади. Лотин тилидан таржима қилинган “адаптация” атамаси “мослаштириш”, “созлаш” деган маънони англатади. Ушбу атама асли биология фанига тааллуқли бўлиб, организмнинг эволюция жараёнида ташқи шароитга, морфофизиологик ва хулқ-атвор мезонларга мослаштиришни англатган. Бизнинг назаримизда, мослашиш – бу ҳаётнинг, атроф-муҳитнинг ўзига хос хусусиятларига ўзини ўзи мослаштириш орқали олдиға мақсад қўйиш, иқтидор ва қобилиятларини намоён этиш демак. Бошқача қилиб айтганда, муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини қабул қилиш орқали унга мослашиш сифатида ҳам тушунишимиз мумкин, яъни инсон яшаётган жамиятга, тараққиётга адаптация қилиш жараёнидир.

“Ижтимоий мослашув (лот. *Socialis* – ижтимоийлашган) шахс томонидан муайян маданият анъаналарига хос бўлган фаолият ва хулқ-атвор меъёрини ўзлаштириш, қадриятлар ва тартиб-қоидаларини англаш жараёнидир”.

Одатда, ижтимоийлашув шахснинг умумий ривожланиши билан, мослашув эса мақбул ижтимоий муҳит, шарт-шароит, ўзаро мулоқот ва мақсадли фаолият билан белгиланади.

Ижтимоий мослашув индивиднинг шахсга айланиш жараёни остида кечувчи қайта алоқанинг сифати билан боғлиқ тушунча ҳисобланади. Шахс ҳаёти давомида ўз эҳтиёжларини кондириши, ўзи ва ўзгалар манфаатларини

кўзлаган ҳолда маълум ҳаракатларни амалга ошириши унинг бошқа инсонлар билан ўзаро мулоқоти орқали юзага келади. Ижтимоий мослашув шахслараро муносабат учун мақбул муҳит вужудга келганда амалга ошади. Агар мақбул муҳит яратилмаса, шахслараро муносабат ўзаро бир-бирининг ёши, қизиқиши, дунёқараши, ҳаётга муносабати нуқтаи назардан психологик тушуниш, англаш тарзида намоён бўлмаса, ижтимоий мослашиш жараёни самарали кечмайди.

Ижтимоий мослашув турли муносабатлар шароитида амалга ошади. Шахснинг мослашганлик даражаси ижтимоий муҳит хусусиятлари ва инсоннинг шахсий сифатлари билан ифодаланади. Маълумки, ижтимоийлашув жараёнининг асоси инсоннинг муҳитга мослашувидан иборат бўлиб, унинг таъсирида шахс жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосига, турли муносабатларнинг фаол иштирокчисига айланади. Инсоннинг ижтимоий мослашуви жамиятдаги муносабатлар билан боғлиқ равишда ўзгариб боради ва унда жамият талабларига жавоб бериш даражаси ортиб боради. Инсоннинг ҳаёт йўли шахс ижтимоийлашувининг қўйидаги йўналишлари замирида кечади: фаолият, мулоқот ва ўз-ўзини англаш.

Ногиронлиги бўлган, шу жумладан, қар, заиф эшитувчи ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришга таъсир этувчи омиллар мавжуд бўлиб, уларни қўйидагича тасниф этиш мумкин: жисмоний ва ақлий имконияти чекланганлик, эҳтиёжмандлик, айирмачилик, камситилишлар, боқимандалик, беписандлик ва ишончсизлик. Улар ушбу тоифа болаларни ижтимоийлаштириш йўлидаги асосий тўсиқлардир.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ўсмир болалар гуруҳи билан олиб бориладиган тарбиявий ишларни мазмунан, шаклан ҳамда методик жиҳатдан ташкил этиш бошқа тоифа болалари билан олиб бориладиган тарбиявий ишларга нисбатан бирмунча масъулиятли ёндашувни тақозо этади. Бу гуруҳ болаларини комил инсонлар қилиб тарбиялашда маънавий комилликнинг асосий компонентларини яхлит шакллантириш ижтимоий-ҳуқуқий тарбияда самаралар омилидир. Бу ўринда жамиятдаги барча институтларнинг ўзаро алоқаси ҳамда ҳамкорлиги тақозо этилади. Ушбу ҳамкорлик қўйидаги занжир асосида амалга оширилади: оила – маҳалла – боғча – мактаб – ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими – олий таълим – мустақил таълим – меҳнат ва касбга тайёрлаш – мактабдан ташқари муассасалар – ижтимоий – ҳуқуқий муҳофаза ташкилотлари – мутасадди ташкилотлар ва идоралар – кенг жамоатчилик. Мазкур занжирнинг бирортасида узилиш ёки тарбиявий ишларда сусткашликка йўл қўйилса, жамиятда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг пайдо бўлиши учун муҳит вужудга келади.

Бундай ҳолатнинг олдини олишда юқоридаги ҳамкорлик занжири субъектларидан баркамол шахсни тарбиялашнинг **қўйидаги тамойилларига амал қилиш тақозо этилади:**

тарбия жараёнини ташкил этишда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш; изчиллик, тизимлилик, босқичма-босқиччилик; демократлаштириш, инсонпарварлаштириш;

тарбияда объект-субъект эмас, субъект-субъектликни таъминлаш; назариянинг амалиётга мослиги ва акси;

бола шахсига қўйиладиган тарбиявий талабнинг бир хиллиги; тарбиявий иш мазмуни, шакли, метод ва воситаларининг бола шахси қизиқиши, майли ҳамда интилишининг ёш ва психологик хусусиятига мослиги;

тарбия мазмунида умуминсоний ва миллий қадриятлар муштараклигини таъминлаш;

тарбиявий ишларни мақсад сари йўналтириш, режали тарбиявий дастур асосида ташкил этиш; тарбиявий ишларни ташкил этишни бошқаришда адолатлилик, демократик ёндашув;

тарбиявий тадбирларни уюштиришда бола шахсига дифференциал муносабат, тарбияда коммуникативлик;

тарбиявий иш натижаларини доимий кузатиш, назорат қилиш, мониторингини юритиш ва бошқалар.

Оилада қар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришнинг асосий омилларидан бири болани эркин мулоқот, ақлий хатти-ҳаракати, қобилияти ва иқтидорини намоён этиш ва мустақил бўлишга ўргатишдир. Ушбу тоифа болалар жамоаси учун ота-оналар, атроф-муҳит, қизиқишларига соҳа мутахассислари кучли наъмуна манбаи саналади. Боланинг мотивацияси ва руҳий ҳолати унга бўлган муносабатга боғлиқ. Оилада ота-она, кенг жамоатчилик ҳамда ўқитувчилар бундай болаларнинг ижтимоий, эмоционал, интеллектуал ривожланиши билан боғлиқ таълим-тарбиянинг интерфаол шакли, методи ва воситаларидан фойдаланиши уларни ижтимоий ҳаётга муваффақиятли мослашувига кўмаклашади. Чунки ушбу тоифа болалар фақат ота-она, оила аъзолари таъсирида ўз-ўзини оилавий ҳаётга мослаштириб борган бўлса, таълим муассасаларида эса жамиятга мослашсагина касб ўрганишнинг назарий асослари ҳамда амалий тажрибасини такомиллаштиришга муяссар бўлади. Шундай қилиб, ногиронлиги бўлган ўсмир болалар билан мақсадли реабилитацион ишлар олиб борилган тақдирдагина уларнинг жамиятга уйғунлашувига эришилади.

Иккинчи боб **“Оилада ногиронлиги бўлган ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришни такомиллаштирувчи коррекцион тизим”** деб номланган бўлиб, мазкур бобда ногиронлиги бўлган қар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришнинг мазмуни, ижтимоий мослаштириш модели, ҳамкорлик асосида ушбу тоифадаги ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришнинг самарали шакли, методи ва воситалари ўз ифодасини топган.

Оилада қар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда оиладаги барқарор муносабатлар муҳити (оилавий қадриятлар, меҳнатсеварлик орқали тарбиялаш, ижобий ахлоқий вазият устуворлиги, болаларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, ижтимоий-касбий саводхонлик) энг муҳим педагогик-психологик шартлардандир.

Кар ва заиф эшитувчи ўсмир боланинг ижтимоий ҳаётга тайёр бўлиши соғлом болалар ижтимоийлашуви каби шахсий (ички) омиллар таъсирида амалга оширилиши табиий. Чунки соғлом болалар каби кар ва заиф эшитувчи ўсмир болалар ҳам ҳаётининг дастлабки йилларида оиланинг таъсирига сезувчан бўлади. Тадқиқот давомида оилада кар ва заиф эшитувчи ўсмир болани ижтимоийлаштиришга йўналтирилган ҳаёт тарзини турли мезонлар билан ифодалаб берувчи омилларни шартли равишда ижтимоий-маънавий, иқтисодий, эстетик-гигиеник ва насл саломатлиги гуруҳларига туркумланди.

**Ижтимоий-маънавий омил.** Кар ва заиф эшитувчи болаларда шахс сифатларини шакллантириш, уларда коммуникативлик, ўзини намоён қилиш кўникмаларини ривожлантиришда миллий урф-одатлар, умуминсоний қадриятлар асосидаги оиладаги соғлом маънавий муҳит, ота-она ва фарзанд муносабатларининг инсонпарварлиги, зиддиятлардан йироқлиги, оила аъзолари ўртасидаги руҳий яқинлик, ота-оналарнинг тарбияли шахс эталони бўйича қарашлари, оила фаровонлигини таъминлашдаги ўзаро дўстона муносабат муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ота-оналарнинг, ўқитувчи-тарбиячиларнинг ижтимоий-соғлом фуқаролик, ҳуқуқий, касбий, ахлоқий-маънавий, ижтимоий-психологик, ижтимоий-педагогик, тиббий-гигиеник, жисмоний, хўжалик-иқтисодий компетентлиги ҳамда касбий саводхонлиги муҳим рол ўйнайди.

**Иқтисодий омил** оиланинг мол-мулкка эгаллиги ва ота-оналарнинг иш билан бандлиги орқали аниқланади. Кар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни замон талаблари асосида тарбиялашда ҳамда зарур пайтларда кўшимча мутахассисларни ёллаш ёки оилада сўзларнинг расмли изоҳлари акс этган кўргазмаларнинг бўлишида, бундан ташқари, ўсмир бола саломатлигини тиклаш, айрим оилаларда эшитиш аппаратлари билан таъминлаш моддий харажатларни талаб қилади. Оиланинг иқтисодий аҳволи кўп жиҳатдан мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятга ҳамда ногиронлар учун ажратилган имтиёзлар кўламига боғлиқ.

**Эстетик-гигиеник ва насл саломатлиги** оиладаги эстетик ва гигиеник шароитлар, атроф-муҳитнинг “Яшил макон” тамойили асосида яратилгани, орасталик ҳамда турмуш тарзининг ўзига хосликларига эга эканини билдиради.

Бўлажак ота-оналарнинг соғлом фарзандни дунёга келтиришдаги ижтимоий-тиббий билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиши ногиронликнинг олдини олиш омилларидан саналади. Ногиронлиги бўлган ўсмир болаларнинг ижтимоий ҳаётга руҳан тайёр бўлиш мезонлари талабларига, аввало, ота-оналарнинг тайёр бўлиши муҳимдир. Чунки уларнинг етарли психологик билим ва тажрибага эга бўлиши ўсмир кар болалар ривожланиши учун зарур манбалардан бири ҳисобланади.

Санаб ўтилган омилларнинг барчаси кар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларда нафақат мулоқот кўникмаларини, балки ҳаётий билим ва тажрибалар: ўз-ўзини баҳолаш, салоҳиятини намоён қилиш, қисқа ёки ўзоқ

муддатли мақсад қўйиш, ўз анъаналарини англаш, вазиятни ўрганган ҳолда баҳо бериш, имижга эга бўлиш, ахборот воситалари билан ишлаш, ўзгаларга таъсир этиш ва жамиятнинг турли бошқа муносабатларида фаол бўлиш кўникмаларини шакллантиришда ҳамда уларнинг валеологик, ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлигини ривожлантиришда бевосита таъсир ва ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Тадқиқотларга кўра, ота-оналар, ўқитувчилар томонидан амалга ошириладиган коррекцион-ривожлантирувчи таълим жараёнида кар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш қуйидаги ўзига **хос тамойилларига** амал қилишни талаб этади:

коррекцион-ривожлантирувчи таълимни ташкил этишнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларига адолатли ёндашув;

таълимга комплекс ёндашув;

таълимни ташкил этишда ҳамкорлик;

таълимда ижтимоий-ижодий ёндашув;

ногиронлиги бўлган болаларга индивидуал ёндашув;

ногиронлиги бўлган ўсмир болаларга инсонийликнинг етук кўринишларида муомалага киришиш;

зарур касб-ҳунарга тайёрлаш;

бўш вақтини фойдали машғулотларга сарфлаш;

таълим ва тарбияни ташкил этиш жараёнларида руҳий жиҳатдан кўмаклашиш;

боланинг эркин фаолиятини мунтазам рағбатлантириб бориш;

оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлик технологиялари асосида таълим-тарбиявий, тарғибот-ташвиқот, ижтимоий-ташкилий, илмий-методик материаллардан фойдаланиш;

нуқсони бор болаларни ҳаётини муҳитга йўналтиришда назоратнинг кучлилиги ва мониторинг тизимида амал қилиш;

келажакдаги ҳаёти фаровон бўлишига ишонч ҳиссини ўйғотиш ва бошқалар.

Кар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларнинг шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароитлар талаб қилинади, улар қўйидагилардан иборат:

Кар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларнинг эмоционал-ҳиссий соҳасига таъсир этиш. Бунинг учун уларнинг ички оламига кира олиш йўллари топишга эҳтиёж туғилади. Энг самарали йўл бу оила қуршовида бўлиш, яқинларнинг очиқ мулоқотида. Оилаларда болаларнинг қизиқишларини англаш ва уларнинг ривожланиши учун шароитлар яратиш.

Кар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларнинг мустақиллиги ва фаоллигини юзага келтириш. Болаларда ўз-ўзига хизмат қилиш, атрофдагиларга ўз фикрини тушунтира олиш, ўзини намоён қилиш кўникмаларини ривожлантириш.

Кар ва заиф эшитувчи ўсмир болалар фаолиятининг турли йўналишлари, яъни ўйин, креатив таълим, ижодкорлик каби қобилиятларни

шакллантирувчи маълум мақсадга қаратилган тамойилларни ҳосил қилиш: дунёқарашни кенгайтирувчи турли ташкилий ишлар, нутқ равонлиги, тарбиявий ишлар режаси, оила билан ҳамкорликда семинарлар, тадбирлар, ўқув машғулоти ва очиқ дарслар ташкил этиш.

Кар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни рағбатлантириш ва жазолаш воситаларини танлаш ва жорий этиш. Ушбу вазифа бола тарбиясида, хусусан, унинг шахс сифатида шаклланишида муҳим омиллардан саналади. Чунки болалар ҳар бир бажарган ишини ўз вақтида баҳоланишини, мақталишини хуш кўради. Шу ўринда, уларнинг айби иш ёки хато қилганда, албатта, жавобгарликни ўзига олишга ўргатиш ҳам муҳимдир. Бу ҳолатда болаларнинг шахсий хусусиятлари ҳамда психологик сезувчанлигини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш лозим.

Кар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни ижтимоийлаштириш жараёнида юзага келувчи вақтинчалик психик ўзгаришларни инобатга олиш ва кутилиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш.

Ногиронлиги бўлган ўсмир болаларнинг психологик ривожланишида дифференциал ва яқка ёндашувнинг таъсири каттадир.

Тадқиқот жараёнида **кар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш модели яратилди** ва у орқали ҳамкорликнинг самарали технологияларидан фойдаланилди (**1-расм**). Оилада кар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни педагогик-психологик жиҳатдан уларнинг имкониятларига мос ёндашувлар асосида қулай ва эркин мулоқотга асосланган ижтимоийлашув муҳитини яратишнинг замонавий интегратив-кластерли модели – кўргазмали касбий таълим, амалий тренинг, эркин танловли технологияларининг трансформациялари амалиётга жорий этилди. Бу – қуйидаги технологиялар: “Уйим боғи” (бола меҳнат жараёнларида оила аъзолари билан бирга қатнашади), “Хонтахта” (ҳар бир оила дастурхон атрофида йиғилиб ўтиради ва бу жараёнда инсонларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда ҳаракатларининг турли моделлари ўсмир кар болалар ҳамда уларнинг оила аъзолари билан биргаликда ишлаб чиқилади). Маҳаллаларда оилалар ва уларнинг ўсмир кар фарзандлари учун маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда “Оила”, “Менинг дўстим”, “Менинг келажагим”, “Мен фуқаро – шахс”, “Менинг оиладаги ва жамиятдаги ўрним” каби мавзуларда давра суҳбатлари ўтказилди. Ҳар бир тадбирнинг мақсади болани коррекцион-ривожлантириш, таълимий ва тарбиявий вазифалари асосида ўсмир кар болалардаги нуқсонни тузатиш, юмшатишга йўналтирилган бўлиб, натижада болаларда ижтимоий кўникмалар шаклланишига эришилди. Бундан ташқари, ота-оналар ҳамда кар ўсмир болаларнинг бошқа яқинларида ҳам педагогик саводхонлик ривожланишига эришилди. Кар ва заиф эшитувчи ўсмир болалар тадбирлар ва тренинглар давомида эгалланган билим, кўникмаларни мустақил ишлатишга оид малакаларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлди.

**Оилада кар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш**

**Мақсад – оилаларда кар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш механизмларини такомиллаштириш**

**Ижтимоий ҳаётга мослаштириш компонентлари**

Оиладаги таълимий муҳит

Оила, маҳалла ва муассаса ҳамкорлиги

Касбга йўналтириш ишлари

**Комплекс таъсир шакллари**

Реабилитация тадбирлари, тарғибот ва ташвиқот ишлари, ташҳис ва мониторинг

Ижтимоий ҳаётга мослаштириш ишларини самарали ташкил этиш омиллари ва шарт-шароитлари	Тамойиллари	Босқичлар	Таълим технологиялари	Методлар
– мақсаднинг тўғри белгиланиши; – ота-оналарнинг педагогик саводхонлиги; – маҳалла мутассаддиларининг лоқайд эмаслиги; – оилаларда таълимий муҳитнинг бола шахсига йўналганлиги; – ижтимоийлашув тадбирларининг касбга йўналганлиги; – оилаларни методик қўллаб-қувватлаш.	илмийлик; изчиллик; кўргазмалилик; онглилик; фаолиятга йўналганлик; коммуникативлик; вариативлик.	мотивацион; информацияцион; индуктив; рефлексив.	шахсга йўналтирилган; ривожлантирувчи; ўйинли; муаммоли; ишбилармонлик; лойиҳалаш.	“Хонтахта”; “Қутилмаган меҳмон”; “Ораста киз”; “Мард ўғлон”; “Нонушта”.

Кар ва заиф эшитувчи ўсмир болаларнинг ижтимоий ҳаётга мослашув мезонлари

Ўрганиш даражалари:

Мулоқотчанлиги

Топшириқларни тушуниши ва бажариши

Касбга оид меҳнат ҳаракатларини бажариши

**Юқори**

**Ўрта**

**Паст**

**Қуйи**


**Натижа: кар ва заиф эшитувчи ўсмир болалар ижтимоий ҳаётга мослаштирилади ижтимоий ҳаётга тез ва самарали мослашувчан**

